



HURRIYAT


O'zingni anglala!

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 17-mart, chorshanba • № 12-13 (664) • 1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН СИЁСАТ

Молиявий инқироз шароитида дунёда иқтисодий тараққиётнинг "Ўзбек модели" дея эътироф этилган ривожланиш йўли нақадар тўғри ва пухта экани, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилгани яна бир қарра ўз исботини топди.



3-бет

ШАҲАР ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА


Бош режага асосан шаҳардаги 1460 дан зиёд объектда таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга ошириш белгиланган. Бугунгача уларнинг мингдан кўпроғида таъмирлаш ишлари якунланди, қолганларида бундай ишлар давом этмоқда.



6-бет

КЕШНИНГ ИККИ БУЮК НАБИРАСИ

Шахрисабз шаҳри истиқлол йилларида мисли кўрилмаган даражада чирой очди. Ўзининг гўзал обидалари билан донғи кетган Шахрисабз икки буюк набираси билан ҳақли равишда фахрланади. Улар гарчи Ҳиндистонда туғилиб, ижод қилган бўлсалар-да, аслида ўзбек эди.



9-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

16 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев расмий ташир билан мамлакатимизга келди.

Таширнинг асосий воқеалари бугун — 17 мартда бўлиб ўтади. Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар. Шунингдек, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалантирилган.

10 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раслигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

13 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий партияларнинг 2009 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ва маълумот учун қабул қилинди. Мажлисида, шунингдек, Қонунчилик палатаси ваколатига қиратилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

13-14 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Унда 17 миллионга яқин юртдошларимиз иштирок этишди. Улар томонидан 35 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди.

Қадамнинг қутлуғ бўлсин, Наврўзим!



А йни дамларда диёримиз бўйлаб гўзаллик фасли — баҳорнинг ажиб таровати ёйилмоқда. Сулув келинчақ — Кўкломой она заминимиз узра ям-яшил сепини пояндоз қилиб, нафис латофатини кўз-кўз этмоқда. Ана шундай лаҳзаларда ҳар бир юртдошимизнинг қон-қонига сингиб кетган бунёдкорлик туйғулари жўш уриши табиий.

Айниқса, янги кун — Наврўз байрами арафасида маҳалла-қўй, кўчаю гузарларимизни сариш-

талаш, турли мевали кўчатлар, гуллар экиб, юртни янада обод қилиш аждодларимиздан мерос

қадриятдир. Шу боисдан, бугун юртимизнинг марказидан бошлаб, чекка-чекка ҳудудларига

Наврўз айёмига тайёргарлик баҳонасида улкан ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

Қолаверса, фариштали момоларимиз-у, хушчақчақ янгаларимиз, соҳибжамол опа-сингилларимиз, қўйингки, барча мунис аёлларимиз шу кунларга етказганига шукроналар айтмоқда. Қалби она заминга бўлган меҳмуҳаббати билан тўлиқ юртдошларимизга боқиб, Ватанимизда Наврўз шодиёналари кўтаринки руҳда бошлаб юборилганига гувоҳ бўласан киши.

Азал-азалдан халқимиз Наврўзда дошқозонда осилган сумалак бошида йигит ва қизларнинг ўзаро айтишуви, кўпқари, кураш каби турли маросимлар ва миллий ўйинлар уюштиришни хуш кўрган. Мана шундай маросимлардан бири баҳор ва қиш тимсолидаги беллашувдир. Бунда қиз ва йигитлар икки гуруҳга ажратилган. Кўклом томон ўзларини баҳор каби гуллар билан безашган бўлса, қиш томон кийимларини тескари кийиб, юзларига ниқоблар тақибган. Бундай беллашув замирида ҳам кўкломга етказганига шукроналик, халқимизнинг табиатга ошуфталигию меҳнатга бўлган иштиёқи мужасамдир.

Одатда юртимизда кўпқари салқин кунларда ўтказилади. Бунинг боиси шуки, иссиқда улоқ қоғиб бўлмайдди. Лекин кун-

лар анча исиб қолган бўлса-да, халқимиз томонидан Наврўзда ҳам кўпқари ташкил этилади. Нима учун? Чунки аждодларимиз кўпқарига қиш рамизи сифатида қарашган. Наврўз айёмида кўпқари ўтказилиши замирида ҳам қиш кетиб, кўклом келди, деган маъно борлигини англаш мумкин.

Маъмур байрамнинг тарихи, унинг пайдо бўлиши хусусида турли фикрлар, қарашлар шаклланган. Маълумотларга кўра, Наврўз туркий халқларда 25 дан ортиқ турли номлар билан аталган. Қолаверса, ҳар баҳор қишлоқларимизда сайиллар ўтказилади. Бу шодиёна халқ орасида "Йилбоши" деб аталади. Йил бошида эса йил оши (бу таом айрим жойларда жилғўжа, йилғўжа ҳам дейилади) қилинади. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони лугатитурк" асаридида бу байрам "Наврўз" деб қайд этилган.


Қўришиб турганидек, бу қадимий айём юртимизда узоқ йиллардан бери ардоқланади. Бу йил ҳам Наврўзга муштоқ халқимиз уни кенг нишонлашга тадорик кўрмоқда. Зотан, Наврўз тинчлик, навқиронлик ва гўзаллик нишонасидир.

Зухал РЎЗИЕВА



БОЛАЛАР СПОРТИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов мазкур ташкилотнинг унинг ўсиб келаётган ёш авлодини ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли кенг қатламнинг ҳаёт тарзини соғломлаштиришдек олижаноб вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил фикр билдирди.



БОЛАЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮК БЎЛАДИ

Юртимизда ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш асносида бутун халқимиз соғлом, жамиятимиз барқарор бўлишини тарғиб-ташвиқ қилиш вазифаси оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юк-

лайди. Бунда кўпчиликти қизиқтираётган саволларга аниқ жавоб топиш, йиғилишда ўртага қўйилган масалалар хусусида атофлича мунини тарғиб-ташвиқ қилиш вазифаси оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юк-

2»

МУСИҚА

ЭРТАМИЗНИНГ УМИДЛИ ЧЕЧАКЛАРИ

Санъат инсонга инъом этилган бебаҳо неъматлардан бири ҳисобланади. Миллий маданиятимизнинг нобъ мусиқий асарларини ўзда муассасам этган санъатнинг ҳамма турлари келажак авлоднинг баркамол ва етук инсон бўлиб вояга етишида муҳим ўрни тутади.

Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида мамлакатимизда мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини янада яхшилаш мақсадида бу соҳа раванасига жиддий эътибор берилётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугун юртимиздаги пухта таълим олган фортепьяно, виолончель, скрипка, пуфлама ва урма созларни чулчуви ёшларимиз нуфузли халқаро мусиқа танловларида Ўзбекистон обрўсини кўтариш учун беллашиб имкониятга эга. Буни биргина пойтахтимиздаги В. Успенский номи Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Халқимизга юксак малакали мусиқа кадрларини ва энг аввало, ижрочи мусиқачиларни тайёрлаб берадиган бу маданият ўчоғи 12 йил давом этадиган

узлуксиз таълим муассасаси бўлиб, 9 йиллик ихтисослаштирилган мусиқа мактаби, 3 йиллик лицейдан иборат. Ҳозир бу ерда 623 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга ўз касбининг устаси бўлган кўплаб машҳур педагоглар жаҳон ва миллий мусиқа аъёнлари, маҳорат сирларини ўргатиб келмоқда. Ҳар бир ўқув хонаси зарурий мусиқа асбоблари билан жиҳозланган. Ижодий машғулотлар, дарслар билан бўлса, ёш мусиқачилар зиммасига юксак масъулият ҳиссини юклайди. Лицей ўқувчиларининг бир неча йиллар давомида нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда мусиқа бўйича ўтказилган фестивалларда иштирок этиб, юксак натижаларни кўлга киритаётгани келажак катта умид ва ишонч туйғусини уйғотади.

12»

МУНОСАБАТ

ИЛҲОМ НАШИДАСИ

Баҳор мавсумининг ифори кимнинг қалбини энтиктирмайди, кимни тўққилантирмайди, дейсиз. Жамиятимизда навбахорга ҳамоҳанг кечаётган янги-ланишлар шуқуду юракларга тенгсиз нашида бахш этмоқда.

Хўш, мудроқ идрокларимиз нимадан уйғонди, туйғулари нимадан сурур толиб, руҳиятимиз нимадан қаноатланмоқда? Бунга сабаб Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридир. Бу қарор нафақат ижод аҳлига кўтаринки руҳ, шижоат ато этди, балки ижодкорлар олдида маънавиятимиз хазинасидан муносиб ўрин оладиган, ёшлар тафаккурини ўстирадиган, уларни жасоратга ундайдиган, пухта, ўқилиши ва таъсирчан асарлар яратиш каби ижодий вазифалар ҳам қўйди. Барча соҳалар қаторида адабиётга, хусусан, ижодкор фаоллиги ва сўз маъсулиятига бўлган бугунги юксак эътибор бизни қувонтирди.

Аслида ижодкорнинг фаоллигида ҳикмат кўп. У жамиятда кечаётган жараёнларга қалами орқали ўз муносабатини билдиради. Бир қарашда шахсий муносабатдек туюлган бу фаоллик жиддий ижтимоий аҳамият касб этади. Шу боисдан қарорнинг ҳар бир бандида қалби, шуури уйғоқ қалам аҳлининг яшаш ва ижод қилиш шароитларини яхшилаш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва саломатлиги ҳақида қайғурилганини ижодкорлар учун катта хайрихоҳлик деб биламиз. Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш, ижодий танловлар ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия эти-

ладиган ижод намуналарини, жумладан, илк китобларини нашр этишда молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қўрсатмалар бўлажак ёзувчи-шоирларнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Шунингдек, мазмун-моҳияти жиҳатидан халқимизнинг тарихи, маданияти, қадриятлари тараннум этилган мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг муносиб асарларини хорижий тилларга ўғриб, уларни интернет орқали тарғиб этишни молиялаштириш сингари бандлари қаламқашларга жўшқин ижодий руҳ бағишлади.

Ҳозир жаҳон адабиётидан тилимизга кўплаб таржималар қилинмоқда. Аммо қалбимизда бизнинг асарларимиз нега жаҳонга чиқмаяпти, деган саволлар кечади. Зотан, жаҳон миқёсидаги адиблар билан бўйлашадиган ёзувчи ва шоирларимиз йўқ эмас. Уларнинг асарлари мустақиллик нашидаси, истиқлол руҳи билан йўғрилгани билан аҳамиятлидир. Қарорда бу масалани рўйбга чиқариш борасида аниқ режа ва дастур белгилангани бизни беҳад қувонтирди. Ҳар бир ижодкорнинг қалбига илҳом нашидасини бағишлаб, бунёдкор халқимиз маънавий солномасини яратишда катта ишлар сари давлатимиз бўлди.

Мирпўлат МИРЗО, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Урғулбоғи, Турсун АЛИ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси.

БОЛАЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮК БЎЛАДИ

(Бошланғич 1-бетда.)

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фарзандларимизни баркамол қилиб ўлғайтириш, уларни етук инсонлар сифатида кўриш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада жисмоний тарбия ва спортнинг тугган ўрни гоҳ муҳим. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар аввало ўзини англайди. Жисмоний тарбия болаларни кичкина-лигидан бошлаб устун ва заиф томонларини сезиш, тушуниш ва камчиликларни бартараф эттиш учун ўз устида доимий ишлаш лозимлигига ўргатади.

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ КЎРКАМ КЎРҒОН

Халқимиз хурриятга эришган кундан ўз олдига буюк келажақ яратишни олий мақсад қилиб қўйди. Ана шу улғу мақсадга етишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлади. Бу йўлда учрайдиган турли қийинчилик ва тўсиқларни мардона энгиб ўтишда кўмак-мадад берадиган, муҳим омил бўладиган тадбир-тадориклар дастурини ишлаб чиқди. Ва уларни астойдил амалга оширмоқда.

Доно раҳбарнинг узоқни кўра билиш салоҳияти туфайли ана шу саъй-ҳаракатларнинг самаралари аста-секин буй кўрсатмоқда. Унинг улғуворлиги ва ҳаётийлиги бошқаларни беихтиёр андоза олишга undaпт.

Соғлом авлодни вояга етказиш, баркамол шахсни тарбиялашга фақат спортни оммавийлаштириш орқали эришиб бўлмаслиги табиий. Аммо болалар спортини ривожлантириш катта жараёнинг муҳим бир бўғинидир. Соғлом танда соғ ақл, деган ибора эса етти иқлимда аксиомага айланган. «Пойдеворнинг пойдевори» руҳ поклиги ва вужуд саломатлигини асрашдан бошланади.

Пойдевори мустаҳкам кўркам кўрғоннинг биринчи гишлари ёшларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида 1992 йилда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш билан қўйилган.

Шу қонуннинг 10-моддасида қайд этилганидек, таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт узлуқсиз таълим тизимининг энг муҳим мажбурий қисми бўлиб, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади.



НОЁБ ТУЗИЛМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари баркамол авлод орзуси йўлидаги ислохотлар изчиллигини таъминлашда муҳим дастурлар амал бўлаётди.

Фаолиятнинг қамрови, қўзланган гоёнинг мазмун-моҳиятига кўра, дунёнинг бошқа мамлакатларида бундай ташкилот учрамайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Болалар спортини ривож-



лантириш жамғармаси ўта ноёб тузилма бўлиб, айна пайтда қатор давлатлар уни қимматли тажриба сифатида ўрганмоқда.

Изчиллик ва тадрижийлик асосида — жамғарма фаолият йўналиши ва «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг уйғунлигига ҳудди ана шундай таъриф бериш мумкин. Хусусан, Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари бунёд этиш, уларни замонавий анжомлар, юқори малакали мураббийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишнинг тилга олинган ҳаммаҳалликнинг амалдаги тасдиғидир. Демак, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар кўлами янада кенг қулоқ ёзмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрдаги «2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тегишли мутахассислар томонидан 2008-2009 йилларда қуриб битказилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт заллари учун зарур спорт жиҳозлари рўйхати ишлаб чиқилди ва улар шундай анжомлар билан таъминланди. 2009 йилда қуриб битказилган иншоотларнинг 174 тасини мактаб спорт заллари ташкил этади. Жамғарма тузилгандан буён ўтган даврда,


яъни 2003-2009 йиллар мобайнида 674 мактабда спорт зали барпо этилди. Шунингдек, бу даврда 178 та алоҳида болалар спортни иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди. Умуман олганда, 2003-2009 йилларда мамлакатимизда 1123 спорт мажмуаси бунёд этилган бўлса, уларнинг 922 таси қишлоқ жойларда қад ростлади.

Спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, бундан беш йил илгари маҳаллий корхоналаримизда болалар спорт иншоотлари учун зарур 120 хил анжомнинг 73 тури тайёрланган бўлса, бугунга келиб 113 хилдаги спорт жиҳозлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бунда болалар учун си-

фатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятларидан оқилона фойдаланиш мақсадида энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилгани корхоналар фаолиятида муҳим омил бўлди.

ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

«Fitnessclub», «Fitnesscenter» нима де-



гани? Уларнинг ўзбекчаси йўқми? Бу қўшма сўзларнинг иккинчи қисми барчага бирдек тушунарли. «Fitness»ни эса «чиникмоқ» тарзида таржима қилиш мумкин. Модомки, шундай манзиллар пештоқиқа «Чиникмоқ» дея ўзбекча калом битиб қўйсақ, қандай чиройли жаранглайди. Бу билан ҳам она тилимизни — давлат тилимизни ҳурмат қилган, ҳам мазкур лавҳаларнинг ортига яширинган қандайдир маъмуликдан қутулган бўлаемиз.

Ёшлар орасида спортни оммалаштириш, болаларни жисмоний чиникишга ўргатиш тегишли ташкилотларнинг вазифаси, деб юрадиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида бундай кишилар ўзининг иши, фарзандининг тарбиясига ҳам бепарво ва лоқайд бўлади. Спорт билан шуғулланман, деган ўсмирча қўлимиздан келган ёрдамни қилсақ, унинг қобилияти юзага чиқишига кўмак берсак — қандай яхши. Натижада бола ўз мақсади йўлида тишини тишига қўйиб астойдил интилади, тинимсиз ҳаракат қилади, эзгу ниятга эришиш асносида унда мустаҳкам ирода шаклланади.

Бошқача айтганда, ёшлиғида тобланган, спорт машғулотларида чиникқан болада мардлик ва оқибат туйғулари кўртак ёзади. Кўчага чиқиб мушталлашиш эмас, спорт мусобақаларида, турли беллашувларда иродаси мустаҳкамланган болалар том маънода юртимизнинг шон-шухратини оширадиган, унинг номидан майдонга тушишни фахр-ифтихор деб биладиган йигит-қизлар сифатида камол топади.

Бир неча йил аввал мамлакатимизда ноғирон йигитлардан иборат «Матонат» футбол жамоаси тузилган ва улар жаҳон чемпиони бўлган эди. Уларни ноғирон оёғи билан футбол ўйнашга, барча рақибларини мағлуб этишга нима ундаган эди? Инсоний матонат, ёшлиқдан шакланган характер, ҳар қандай шароитда ҳам ўз иродасини намоён этиш иштиёқи эмасми?!

Армрестлинг бўйича беш карра жаҳон чемпиони Умид Аҳмедовни яхши биласиз. Шу йигит ҳам ноғирон. Яна ўша характер, яна ўша ирода унинг бутун кучини билашга йўлга олишига, ўзини дунёга танитишига, Ватан обрўсини оширишига имкон яратиш берди.

ХОТИН-ҚИЗ МУРАББИЙЛАР ҚАЕРДА ТАЙЁРЛАНАДИ?

— Хотин-қиз мураббийлар илгари асосан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига тайёрланган, — дейди Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Рашид Маткаримов. — Лекин ҳозирги кунда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги мутахассисликлар тайёрлаш имконига эга 17 олий ўқув юртида 27 минг 911 нафар талаба таҳсил олаётган бўлса, шундан 8 минг 105 нафарини қизлар ташкил этади. 2010 йилда фақатгина Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаб, мутахассислик дипломига эга бўладиган битирувчиларнинг 184 нафари аёл мураббийлардан иборат.

Аммо жойларда қизларни спортга жалб этишдаги мавжуд муаммоларнинг сабаби аксарият ҳолларда аёл мураббийларнинг етчимаслигига бориб тақалаётгани бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўплигини кўрсатади. Шунинг учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлариغا 2010-2011 ўқув

йилида олий ўқув юртига қабул қилиш режасини шакллантиришда хотин-қизлардан юқори малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашни кенгайтиришни назарда тутувчи аниқ қўрсатмалар берилди.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия ўқитувчиларининг сифат таркиби рақамлар кўзгусига солинганда ҳам тилга олинаётган эҳтиёж долзарб аҳамият касб этаётгани аён бўлади.

Бугун мамлакатимизда 27 минг 241 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 7 минг 54 нафари аёллар.

СПОРТНИНГ ҲАЁТИЙ САБОҒИ

Инсон, аввало, юрти билан, Ватани билан ғурурланиб яшаши лозим. Спорт орқали миллий истиқлол гоёсини кенг ривожлантириш учун беқиёс имкониятлар мавжуд. Ҳаётда спортнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганини сезиш, бундан тўғри хулоса чиқариш, ёшларга бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатни, анъана ва қадриятларимизга ҳурматни спорт орқали сингдириш даркор. Шу йўсинда тарбия топан болалар «оммавий маданият» янглиғ босимлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди, ҳаётда тўғри йўлни танлашда адашмайди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида Президентимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шиор неғизда ҳам спорт, жумладан, болалар спортини тушуначаси мужассам эканини алоҳида таъкидлади. Албатта, табиий бойликлар, иқтисодий салоҳият, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар буюк келажаkning асоси ҳисобланади. Шу билан бирга, буюк келажаkning бир омил борки — бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир. Буни сира унутмаслигимиз даркор.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Хабарлар

ОҚИМИ



ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул тумани ҳокимлигида «Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик, диний ақидаларастлик, терроризм, экстремизм каби иллатларга қарши курашиш» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўтган йилги ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва Баркамол авлод йиғилишида вазифаларга тўхталди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси А.Жониевона нутқ сўзлади.

Ҳоиб ЕҚУБОВ,
«Иттиҳот» муҳбири.

СУҒУРТА МАДАНИЯТИНИНГ ЮКСАЛИШИ

Кейинги йилларда юртимизда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш, аҳоли кенг қатламларининг ва ҳўжалик юртувчи субъектларининг суғурта хизматларидан фойдаланишнинг рабатлантириш мақсадида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Жумладан, суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг худудий тармоқларини кенгайтириш, суғурта компанияларининг инвестицион жараёялардаги иштирокини рабатлантириш, шунингдек суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳўқуқларини самарали ҳимоя қилиш таъминланмоқда.

Миллий суғурталовчилар томонидан аҳолига 200 дан ортиқ суғурта хизмати кўрсатишмоқда. Айрим суғурта компаниялари суғурта қопламаларини гўлаш муддатларини қисқартириш, мижозларнинг даъволарининг сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида суғурталовчиларга техник, юридик ҳамда тиббий асоссанс хизматларини тақлиф этмоқдалар. Жумладан, соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор натижасида суғурта муқофотлари миқдори ўтган бир йил давомида 48 фоизга орди ва 72 миллиард сўми ташкил этди. Бу аҳолининг суғуртага бўлган қўзиқилишини ошириш ва суғурта маданиятини юксалтиришга кенг йўл очмоқда.

Азиз БОЛТАБЕКОВ,

Тошкент молия институти талабаси.

ЯНГИ УСЛУБЛАР САМАРАСИ

Бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи ўз соҳаси доирасида доимий равишда изланиши, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиши давр талаби ҳисобланади. Айниқса, қолжа ва дисплейларда инглиз тилида олиб бориладиган машғулотлар мобайнида «Кейс стади», «Брейнсторлинг», «Зигзаг», «Snow-taxid» сингари янги педагогик технологияларга асосланган ўйин услубларини қўллаш ўқувчиларнинг қўзиқилишини ортирибгина қолмай, мавзунинг тез ўзлаштирилишини ҳам таъминлайди.

Ана шундай ўйин услубларидан бири «Брейнсторлинг» ҳисобланади. Бу атама инглизча «brain» - миё, «stor» - ҳўжум сўзларидан келиб чиққан бўлиб, бу услубдан фойдаланишда ўқувчилар уни қўзиқтирган мавзулар сўраб олинди ва улар доирасида саволлар берилди. Ўқувчилар билан бу тарзда машғулот олиб бориш уларнинг инглиз тилида равои сўзлай олишларига имкон туздирди.

Иккинчи услуб «Брейнрайтинг» деб номланади. Бу атаманинг ўзбек тилидаги ифодаси «Мияни ҳўжонга солиш» демакдир. Дарс жараёнида бундай услубни қўллаш ўқувчининг ёзма саводхонлигини ошириши, шунингдек фикрини озгаки баён этишга қўйналдиган ўқувчиларга қулайликлар яратади.

Фарида СОДИҚОВА,

Дилноза МИРРАҲИМОВА,

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи ўқитувчилари.

КЕЛАЖАККА БАРҚАРОР ОДИМЛАР БИЛАН

Юртимизда мамлакатнинг иқтисодий тиргақлари ҳисобланган молиявий муассасаларнинг дўлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бир вақтинг ўзида самарали банк назорати жорий этилиши муваффақиятлар эшигини очди.

Масалан, Халқ банки Андижон вилоят филиали кредит портфели жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 19094,9 миллион сўми ташкил этди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини қўлайитиришнинг рабатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан ўтган йил давомида 280 миллион сўм маблағ ажратилди. Молиявий муассаса ўз маблағи ҳисобидан аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 914 нафар оила соҳибига жами 913 миллион сўм миқдорда имтиёзли микрокредит берди. Бу фуқароларнинг чорвачилик билан шуғулланиб, ўз молиявий аҳолини яхшилашга парронг яратди. Чорвачилик ривожланиши, махсулотларни қўлайитиш билан бир қаторда шахсий секторда ишлаётганларнинг моллий манфаатдорлиги ҳам ошди.

Тадбиркор аёлларга 1217,4 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди. Айни пайтда 1425 нафар ишбилармон аёл банкнинг филиал ва бўлимларида ўз ҳисоб рақамларини очиб фаолият юрйтишти. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан қўллаб-қувватлаш билан келган қасадларини тайёрлаш қаторида замонавий талаблар даражасидаги қийим-кечаклар ҳам тикилиб, буюртмалар бажариляпти.

Давлатимиз раҳбарининг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиринишга доир қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Халқ банки вилоят филиали томонидан 2127,5 миллион сўм кредит ажратилиб қишлоқ жойлардаги 1485 нафар аҳолини янги иш ўрни билан таъминлашга эришилди.

— Халқ банки Асака туман филиалидан иккиҳона қуриш учун 28 миллион сўм кредит олинди, — дейди тадбиркор Луиза Нурматова. — Натижада туманимиз аҳолига қиш фаслида ҳам болдинг, помидор, турли ошқўшлар етиштириб бераёلمиз. Фуқароларимиз ҳам сифатли ва арзон махсулот харид қилётганларидан бениҳоя хурсандлар.


Тимур ҒАНИЕВ

Тарих ва келажак учрашган диёр

очиқ осмон остидаги музей-шаҳар узра Наврӯз наволари янграмоқда

“Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир”.

Ислон КАРИМОВ



Юртимиз узра Наврӯз шукухи кезиб юрган айни кўлам кунлариди Хива шаҳри янада чирой очган. Шаҳар маҳаллаларида, кўчаларида, ҳар бир жамоада, хонадонда умумхалқ байрамни кенг нишонлашга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Қуриш, яратиш, ободонлаштириш ишлари кенг кўлам касб этган. Айниқса, мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган умумхалқ ҳашарида хивалиқлар ҳам фаол қатнашиб, минглаб туп ниҳол ўтказдилар, ободонлаштириш юмушларини адо этдилар.

— Бу қадимий шаҳарга учинчи марта келишим, — дейди французлик сайёҳ Лорбер Астрид. — Ҳам айни сайёҳлик соҳасида хизмат қиламан. Шу боис Хивага ҳар гал йигирма нафар ватандошимни ҳам олиб келаман. Фирмаимизга Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон, унинг тарихий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Хивага келиш истагини билдириб мурожаат қилувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Дарҳақиқат очиқ осмон остидаги бу музей-шаҳар хорижликларни ҳам, юрдошларимизни ҳам ўзига оҳанбардек тортаётир. Бу кўна, аммо ҳаммиша навқирон шаҳарнинг дунёга кўз

кўз қилгудек осори-атиқалари, ёдгорликлари башариятнинг маънавий бойлиги, халқимиз қадриятларининг тимсоли сифатида кўз қорачигидек сақлана-япти.

— Инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган бу кўркам, мафтункор шаҳардаги тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар ЮНЕСКО томонидан умуминсоний қадриятлар рўйхатида бежиз киритилмаган, — дейди Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ҳюго Перне. — Чунки Хива инсониятнинг фахр-ифтихори эканини бутун дунё эътироф этмоқда. Зеро, бундан 22 йил муқаддам Хивага таширф буюрган АҚШлик олим Артур уни “Очиқ осмон остидаги музей”, — дея таъриф қилганида минг бор ҳақ эди.

— Бугунги кунда Хивада 130 дан ортиқ меъморий ёдгорлик мавжуд, — дейди Хивадаги “Ичан қалъа” музей-қўриқхонаси директори Ботир Давлетов. — Музей-қўриқхонанинг умумий майдони 26 гектарни ташкил этади. Шаҳарда 15 дан зиёд музей бор. Уларда нафақат Хива, балки қадимий Хоразм давлатининг ўтмиши бутун борлиги билан ақс эттирилган.

Директор билан мулоқот жараёнида бир нарсани билиб олдик. Гарчи қадимий обидалар

ни, ёдгорликларни сақлаш, авайлаб-асрашга қадимдан ҳам эътибор қаратилган бўлса-да, музейлар (илгари ажойибхона деб аталган) ташкил этишга XIX аср охирида киришилган экан. Бу ишга Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II алоҳида эътибор қаратган. 1892 йилда Муҳаммад Раҳимхон II аждоқлардан қолган осори-атиқаларни йиғиб, авайлаб-сақлаш, уларни халққа намойиш этиш тўғрисида фармон беради. Натijasда хонлиқнинг шаҳар ва қишлоқларидаги кўплаб ноқир ёдгорликлар, эски тарихий манбалар, буюмлар тўпланади. Хива хонлигида ишлаб чиқарилган турли хунармандчилик буюмлари, уй-рўзгор анжомлари, тари-

хий обидалар тасвирлари туширилган нақшдор совғалар 1895 йилда Россиянинг Нижний Новгород, 1900 йилда Франциянинг Париж шаҳрида, 1904 йилда эса Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, катта шўхрат қозongan.

Истиклол йилларида тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, музейлар фаолиятини янада яхшилаш йўлида Юртбошимизнинг қатор фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари эълон қилинди. Бу ҳужжатларда туризмин ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Айниқса, ота-боболаримиз яратган маданият ўчоқлари бўлмиш қадимий обидалар

мадрасалар, улуг аждодларимиз хоки қўйилган хонақоқлар, музтақиллик йилларида таъмирланиб, қайта тикланди. Атрофлари кўкаламзорлаштирилиб, муқаддас зиёратгоҳларга айлантдириди. Бир пайтлар аҳоли турар жойлари, дов-дараклар орқасида қолиб кетган обидалар бугун шаҳарга ўзгача викор ва кўрк бағишлаб турибди.

1997 йили Президентимиз ташаббуси ва ЮНЕСКО қарорига асосан, Хива шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан шаҳарда амалга оширилган ишларнинг салмоғи ва сифати алоҳида таҳсинга лойиқ. Бу ишлар кейинги йилларда ҳам изчиллик билан давом эттирилиб келинмоқ-

да. Музтақиллик йилларидаги бундай улкан бунёдкорлик ишлари тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан ёзилишига шубҳа йўқ.

Бугунги кунда шаҳарда 20 га яқин меҳмонхона, кўплаб савдо, маиший хизмат соҳобчалари сайёҳлар хизматида. “Хива” альбоми, “Ичан қалъа дурдоналари” каби китоблар, кўплаб тарихий асарлар нашр этилди. Тарихий ёдгорликларга бағишланган ўзбек, рус, инглиз тилларида буклетлар, откриткалар, рисоалар чиқарилди. Бу ерда таширф буюрганларга хизмат кўрсатадиган ахборот маркази фаолият кўрсатмоқда, интернет тизими мавжуд. Унда Хиванинг реклама сайти ташкил этилган бўлиб, у тобора бойиб бормоқда. Кейинги даврда Жума масжиди, Кўна Арк, Арабхон мадрасалари, Тош ховли, Нуриллабой саройи, қатор мадрасалар таъмирланди. “Хоразм кулолчилиги” кўргазмаси, “Хоразм миллий мусика асбоблари” хонаси ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда маънавий бойлигимизни авайлаб-асраш, уни жаҳонга таъриф борашида изланишлар давом этмоқда. Янги музейлар, кўргазмалар очилди, ишлар олиб бориляпти. Шу мақсадда экспедициялар уюштириляпти. Бунга қатор олимлар, қадимшунос мутахассислар жалб этиляпти. Ичан қалъа ва Дишан қалъа худудларида археологик қазии ишлари олиб боришмоқда.

Экотиризмни ривожлантириш, сайёҳларни табиат кўчоғига — Аму бўйларидаги тўқайзорларга, Қорақум ва Қизилқум кўчоғига олиб чиқиш, бунга чет

эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, янги иш ўринларини очил йўли билан туризмни янада ривожлантириш олдинда турган вазифадир. “Авесто” китобида қайд этилган қадимий ёдгорликлардаги эпиграфик ёзувларни, воҳа табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш, Орол денгизи муаммоларига оид маълумотларни тўплаш, тош ўймакорлиги, хунармандлар фаолиятини чуқур тадқиқ этиш, бу борада “Маъмур академияси” олимлари билан яқин ҳамкорлик қилиш мундариб кўриқхона ходимларининг эзгу ниятидир.

Қарийб ўн йилдан буён фаолият кўрсатаётган бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази раҳбари Одилбек Раҳимов Германияда, шунингдек, қўшни Туркменистонда туризм бўйича халқаро ярмаркаларда иштирок этиб, соҳага доир кўпгина янги маълумотларни қўлга киритди. Бу ярмаркаларда Хитой, Россиядаги турдош сайёҳлик компанияларининг Хива ва бутун Хоразм тарихи, бугунги бўйича лойиҳаларда ҳамкорлик қилиш режалари борлиги маълум бўлди. Эрон, Туркия, араб мамлакатлари ёшларининг бу соҳада ҳамкорлик қилиш учун Хивага келиш ниятлари мавжудлиги борлиги аён бўлди. Утган йил Хивага келган сайёҳлар сони 800 минг нафарни ташкил этган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткичнинг янада кўпайиши кутилмоқда.

Наврӯз наволари янграётган кўна ва ҳаммиша навқирон Хива меҳмонларни бағрига қорламоқда.

Тузалбой РАХИМОВЕВ,
“Hurriyat” мухбири.

Жаҳон молиявий

инқирози бугун башариятни ташвишга солаётган долзарб муаммо бўлиб турибди. 2008 йилда бошланган бўҳрон дунёнинг мана мен деган иқтисодчиларию қилни қирқ ёрайдиган сиёсатчиларини каловлантириб қўйгани, боши берк кўчага киришиб қўйгани рост. Дунё оммавий ахборот воситалари инқирознинг юзага келишига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш, бири-бирдан оғир асоратларини кўрсатишга киришиб кетгани ҳам бор гап. Ана шундай мураккаб даврда юртимизда муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов бошчилигида инқирозга қарши тезкор ва самарали кураш йўлида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН СИЁСАТ

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз кечаётган даврда мамлакатимизда иқтисодиёт барқарорлиги таъминланмоқда

Албатта, жаҳон молиявий инқирози бир йил ичида, кутиманда юзага келгани йўқ. Бунга ривожланган мамлакатларда узоқ йиллардан буён муттасил давлат бюджети тақчиллиги кузатилади, ташқи қарзларнинг ялли ички маҳсулотга нисбатан ошиб кетгани, ипотека кредитлари бериш талабларининг асосиз равишда бўшаштириб юборилгани ва яна бошқа қатор салбий омиллар сабаб бўлди. Буларнинг барчаси кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш сурьатларининг кескин пасайиши, ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Молиявий инқироз шароитида дунёда иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” дея эътироф этилган ривожланиш йўли нақадар тўғри ва пухта экани, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилгани яна бир қарра ўз исботини топди. Очиги, инқироз юзага келган даврда аксарият халқаро мутахассислар ҳам вазиятни чуқур таҳлил қила олмаслиги, унинг сабаб-оқибатларини белгилашда жўяли фикрга эга эмаслиги аён бўлиб қолди. Юртимизда эса инқирознинг илк давридаёқ унга қарши кураш бўйича амалий чора-тадбирлар амалга оширилди. Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асариди юқорида зикр этилган

масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий ҳулосалар илгари сурилди. Мазкур асарнинг халқаро миқёсда эътироф этилгани, дунёнинг турли давлатларида катта қизиқиш билан ўрганилгани ва ўрганилаётганининг сабаби ҳам шунда. Асарда инқирозни келтириб чиқарган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқёсда қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган. Эътиборли жиҳат, Юртбошимизнинг мазкур асарида қатор долзарб масалалар, шу жумладан, инқирознинг Ўзбекистонга салбий таъсири олдини олиш бўйича аниқ амалий чора-тадбирлар белгилаб берилган. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди. Айтиш керакки, мазкур дастур ижроси тез орада илҳобий натижага олиб борилаётгани тўғрисида инфляциянинг прогност кўрсаткичлари чегарасида сақлаб қолиниши, бюджет-солиқ сиёсати тўғрисида олиб борилаётгани тўғрисида давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани, барқарор иқтисодий ўсишга эришилаётгани, мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар миқдорининг ўсиш

сурьатлари таъминланаётгани шулар жумласидан. Дастурда макроиқтисодий мутаносибликни ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъмин этишга, аҳолини иш билан таъминлаш ва уни самарали тарзда ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган чора-тадбирлар, кичик бизнесни, фермер хўжалиқларини кўллаб-қувватлаш чоралари ва бошқа тадбирлар ҳам белгиланган. Дастурда акс этган бундай тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсири олдини олиш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур мулоҳазаларимизнинг “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фирмини ўрганиш маркази ўтказган сўров ҳам тасдиқлайди. Ишбилармон дора вакиллари, мутахассислар, олимлар, сиёсатчилар ва жамоат арбоблари, олий ўқув юрталари, коллежлар ўқитувчилари, фермерлар, бошқарув тузилмалари вакиллари фаол кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган ҳар жиҳатдан самарали бўлмоқда. “Moody's” ва “Fitch” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз банк-молия тизими, миллий ва хорижий валютада узоқ муддатли депозит рейтингини йўналишлари бўйича текширишлар ўтказиб, банк тизимимизга “барқарор” рейтингини бергани ҳам бежиз эмас.

иқтисодиётини янада юксалтириш, жаҳон бозориди унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида самара беришига қатъий ишонч билдирган. Бутун жаҳонни ўртимчак тўри каби қамраб олган молиявий инқироз берган сабоқлардан бири шуки, бугун глобал банк-молия тизими ислохотларга муҳтож. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида музтақиллигимизнинг илк давриданок ҳаётга таъбиқ этилаётган банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар инқироз даврида яна бир қарра ўзини оқлади, таъбир жоиз бўлса, молиявий бўҳрон синовдан муваффақиятли ўтди. Сўзимиз исботи сифатида сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробарга кўпайганини айтиш мумкин. Инқироз давом этаётган мураккаб шароитда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектори қорхоналарини фаол кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган ҳар жиҳатдан самарали бўлмоқда. “Moody's” ва “Fitch” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз банк-молия тизими, миллий ва хорижий валютада узоқ муддатли депозит рейтингини йўналишлари бўйича текширишлар ўтказиб, банк тизимимизга “барқарор” рейтингини бергани ҳам бежиз эмас.



Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш қарорларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2009 йил 6 апрелда қабул қилинган “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ҳаётга таъбиқ этилиши натижасида кейинги икки йилда банклардаги аҳоли омонатларининг ҳажми салкам 4 марта ошди.

Юртимизда инқирозга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари, етакчи арбоблари

ТАҲЛИЛ

иборат нуфузли далағачиянинг ташриф якунлари бўйича берган баёнотида шундай дейлади: “Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди. Ҳукумат ички бозордаги талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди ва биз уни маъқуллаймиз”.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2009 йилда мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсди ва аҳолининг реал даромадлари сезиларли даражада ошди. Буни кўйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: мамлакатимизнинг ялли ички маҳсулоти 8,1 фоизга, sanoat соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошди.

Албатта, дунёнинг барча мамлакатларида дахл этган инқироз маълум даражада мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам таъсири ўтказмоқда. Зотан, Президентимиз айтганидек, “Тобора чуқурашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган ҳулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кенчириб бўлмас хато бўлур эди”. Мухими, жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун республикамизда белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур.

Ислон СУЛТОНОВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

ОЧ ПАНДА ҚИШЛОҚКА КЕЛДИ



Хитойнинг Шандун провинциясида яшовчи йирик ёввойи панда овқат излаб тоғдан пастга тушган ва маҳаллий деҳқоннинг чўчкахонасига кирган.

Қишлоқ аҳолисининг айтишича, улар пандани аввал майдонда кўришган, кейин эса у гўшт сақланаётган чўчкахонага кириб келган. Панда атрофдаги одамларга эътибор ҳам бермаган. Қорни тўйгандан сўнг чўчкахонани тарк этган.

Мутахассиларнинг айтишича, ҳозир Хитой ҳудудида 1590 та ёввойи панда яшайди. Улар асосан ёввойи табиатда бамбук, кушларнинг тухумлари ва ҳашаротларнинг личинкалари билан озиқланади. Шундай бўлса-да, улар йиртқишлар оиласига киради.

Кўриқхоналарда сақланаётган пандалар ўт билан ҳам озиқланади. Аммо улар тез одамларга ҳужум қилиб туради.

КЎРҚИНЧЛИ ШАҲАР




Мексиканинг Сюдэд-Хуарес шаҳрида номаълум кишилар томонидан уч киши ўлдириб кетилган. Маълумотларга қараганда, уларнинг икки нафари АҚШ фуқаролари. Оқ уй матбуот хизмати баёноти-

га асосланиб АФР тарқатган хабарда айтилишича, ҳалок бўлганлардан бири АҚШнинг Мексикадаги консуллиги ходими бўлган. Оқ уй вакили ушбу фожиани даҳшатли воқеа деб атади.

Агентлик мухбирининг қайд этишича, ўтган йили Сюдэд-Хуаресда жиноятчилар томонидан 2600 киши ўлдирилган. Уларнинг кўпчилиги наркомафия қурбони бўлган. Жиноятчилик авжига чиққани учун АҚШ давлат департаменти америкаликларнинг Сюдэд-Хуарес шаҳри жойлашган Чиуауа штатида келишини чегаралаб қўйди. Мексиканинг бу шаҳри 2009 йилда энг кўп жиноят содир этилган шаҳар деб топилди.

ОЛМОС ҚАЗИБ ОЛИШ КЎПАЙДИ




Россиянинг олмос қазиб олувчи «АЛРОС» давлат компанияси Ҳиндистоннинг бриллиант ишлаб чиқарувчи компанияси билан олмос хомашёси етказиб бериш бўйича шартнома имзолади.

«АЛРОС» ва Rosy Blue, Diamond India Ltd и Ratilal Becharlal and Sons ўртасида уч йилга тузилган шартнома баҳоси 490 миллион долларни ташкил этади. Ҳужжатда аста-секин хомашё етказиб беришни кўпайтириш ҳам кўзда тутилган.

«Интерфакс» хабарида айтилишича, «АЛРОС» 2010 йилда 3,3 миллиард долларлик олмос сотишни режалаштирмоқда.

«АЛРОС» Россияда қазиб олинган олмоснинг 97 фоизига эғалик қилмоқда. Ўтган йили компания 34,7 миллион карат олмос қазиб олиб, дунёдаги энг йирик олмос ишлаб чиқарувчи компанияга айланди.

МУМБАЙДА «ЭЙФЕЛ» ҚУРИЛАДИ



Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида баландлиги 275 метрни ташкил этувчи Эйфел минорасига ўхшаш осмонўпар бино қад ростлайди.

Бу ҳақда The Economic Times газетасида мақола босилди.

Режага мувофиқ минора 90 қаватдан иборат бўлади. Ҳар бир қаватнинг баландлиги 3 метрни ташкил этади. Хабарда айтилишича, минорада бор-йўғи 24 та квартира қуриш режалаштирилган. Уларнинг ойнаси денгизга қараб туради.

Минорада сув ҳавзаси ва спорт залига эга икки қаватли (675 кв.метр майдонга эга) ва уч қаватли (1125 кв.метр майдонга эга) апартаментлар ҳам бўлади. Энг пастдаги квартира 18-қаватдан жой олади. Маълумотларга қараганда, бу квартиралар Мумбайдаги энг қиммат квартиралар ҳисобланади.

ЁРДАМ БЕРИШГА ҚАРОР ҚИЛИШДИ




Франция ва Германия ҳукуматлари Грецияга жами 30 миллиард евро миқдорда ёрдам беришга қарор қилишди.

Австриянинг Kourier газетасининг ёзишича, бунга Европа Марказий банки ва Германиянинг Бундес банки рози бўлган. Лекин ёрдамнинг бошқа деталлари

ҳақида хабарда ҳеч нарса дейилмаган. Маълумки, Германия ҳукумати йил бошида Грецияга ёрдам бермоқчи эмаслигини билдирган эди. Греция шундай ҳам Германиядан 20 миллиард евро қарз. Жаҳон иқтисодий инқироzi туфайли Грециянинг ташқи қарзи ҳозир мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 130 фоизини ташкил этмоқда. Ҳукумат инқироздан чиқиш бўйича махсус дастур қабул қилган бўлса-да, у аҳолининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланмапти.

ЕВРОПА ВАЛЮТА ФОНДИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИМИ?



Германиянинг молия вазири Вольфганг Шойбле «Европа валюта фонди»ни тузишга расмий Берлин тайёр эканлигини билдирди.

Бу банк банкротлик ёқасига келиб қолган ЕИ мамлакатларига ёрдам бериш билан шуғулланади. Шойбленинг гапларига қараганда, фонд энг зарур вақтларда, яъни евроҳудудга хавф тугилган пайтдагина ёрдам кўрсатиши керак.


Сал олдинроқ ЕВФ тузиш ҳақида Германия канцлери А.Меркель ҳам фикр билдирганди. Аммо Европа Марказий банки бошлиги Жан-Клод Трише бу масалага эҳтиёт бўлиб ёндашиш лозимлигини таъкидлаган. Унинг айтишича, гоё яхши, лекин уни амалга оширишни аввал ўйлаб кўриш керак.

ОЙДА МУЗ БОР ЭКАН

Олимлар Ойнинг шимолий қутбда кўплаб муз билан қопланган вулқон огизларини топиди.

Бу ҳақда Geophysical Research Letters журналича махсус мақола босилиб чиқди. Ҳиндистоннинг «Чандраян-1» зонди томонидан тўпланган материаллар ўрганилгандан сўнг ушбу янгилик кашф этилди.

Ой юзида ҳаммаси бўлиб 2 километр-



дан 5 километргача катталиқдаги ва тағида музи мавжуд бўлган 40 та вулқон огизлари борлиги аниқланган. Олимларнинг фикрича, бу ердаги сув захираси 600 миллион тоннани ташкил этади.

Вулқон огизларига муз миллион йиллар давомида ер йўлдошига келиб тушган кометалар орқали келган. Вулқон огизлари ойнанинг доимо соя қисмида жойлашгани учун музалар эриб кетмаган. Олимлар олинган натижалар келгусида Ойда база қуришда асқотиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Бундан сал олдинроқ АҚШнинг LCROSS зонди ёрдамида олинган маълумотларда ҳам Ойда муз борлиги аниқланган эди.

КОРОНГУДА ҚОЛИШДИ

АҚШнинг шимоли-шарқда юз берган кучли шамол ва тинимсиз ёққан ёмғир туфайли 450 минг аҳоли яшайдиган уйлар электр энергиясиз қолди.


Мамлакатнинг Нью-Жерси, Нью-Йорк, Пенсильвания штатларидаги аҳоли пунктларида ҳам электр линиялари узилиб кетди. Биргина Нью-Йорк атрофи ва Нью-Жерсининг жанубида 265 минг нафар аҳоли электр истеъмолидан маҳрум бўлиб қолди. Бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 108 километрге етди.

Об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли Нью-Йоркка халқаро рейс бўйича учиб келаётган 9 та самолёт Бостон аэропортига қўнишга мажбур бўлди. Бундан ташқари, кучли жала туфайли Нью-Йорк ва Стейтен-Айленд ўртасида қатновчи кема ҳаракати, шунингдек, Нью-Жерсида поездлар қатнови тўхтатилди.

Атлантик-Ситида кучли шамол туфайли қурилиш майдончасидаги юк крани ағдарилиб кетди. Қранининг бир парча темири шу яқин атрофдан ўтаётган полиция машинасига урилиб, ҳайдовчига жароҳат етказди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” давлат акциядорлик компанияси жамоаси



барча ватандашларимизни
яшариш ва уйғониш айёми -

НАВРЎ

билан чин қалбдан
муборакбод этади.

Наврўз — халқимиз учун, аввало,
энг миллий, ардоқли ва жуда
севимли шодиёнадир.

Ана шундай қутлуғ ва хосиятли кунларда барча-барчага
ўзаро меҳр-муҳаббат, бахт-саодат, шодлик, оилавий
хотиржамлик ёр бўлишини тилаймиз!

Шаҳар янги қиёфа касб этмоқда

Бугунги кунда нафақат пойтахтимиз Тошкент, балки юртимиздаги барча шаҳару қишлоқлар ўзига хос кўриниш касб этмоқда. Бунга жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, тадбиркорлар бош қўшаёттир. Буни Наманган шаҳрида давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Утган йилнинг август ойида Президентимизнинг "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қабул қилинган фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг "Наманган вилоятини индустриал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида"ги, "2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарорлари ана шу улкан бунёдкорлик ишларининг заминидир.

Мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти, уларнинг ижроси, кенг қўллашда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Наманган шаҳар ҳокими, сенатор Илҳомиддин Ботировни суҳбатга тортидик.

— Аввало, мамлакатимиз Президентини ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

— Бу фармойиш ва қарорлар Наманган шаҳри, умуман, вилоятнинг нафақат бугунги ё эртаси, балки келажги учун ҳам тарихий аҳамият касб этиши шубҳасиз. Юртбошимиз томонидан қабул қилинган биргина "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги фармойишни олайлик. Унга кўра, Наманган шаҳрининг ташқи қиёфасини тубдан яхшилаш, ижтимоий инфратузилмасини ва шаҳар муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, бунинг асосида шаҳар аҳолиси учун қулайликлар яратиш, турмуш даражаси сифатини ошириш мақсадида яқин йиллар ичида 164

миллиард сўм ва 91,2 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги маблағларни жалб этиш кўзда тутилган бўлса, ҳукуматнинг "Наманган вилоятини индустриал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида"ги қарорига асосан кейинги уч йил ичида фақатгина Наманган шаҳрининг ўзида 55 минг, вилоят бўйича эса 290 мингга яқин янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Бу ташаббусларни нафақат Наманган шаҳри, бутун вилоят аҳли катта кўтаринкилик ва мамнуният билан кутиб олди. Уларни амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

— Шаҳарда қайси йўналишдаги қурилишларга кўпроқ эътибор берилмоқда?

— Дастурга мувофиқ кейинги уч йил ичида шаҳардаги 15 та соғлиқни сақлаш объектига қарийб 29 миллиард сўм ва янги ташкил этилаётган, водийда ягона

бўлган "Кардиохирургия" худудий маркази учун 10 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ сарфланади.

Халқ таълими ва болалар спортини ривожлантириш бўйича 27,6 миллиард сўм эвазига бунёд этиладиган объектлар ҳамда қиймати

таъминланади. Аҳолининг табиий газ ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжи таъминоти яхшилаш учун қарийб 7 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Йўлларимизни янада равионлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш

ни ошириш билан бирга маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этишга ҳизмат қилади.

— Маданий-маиший иншоотлар қурилишида замонавийлик билан миллийлик қай даражада уйғунлашмоқда?



қарийб 15 миллиард сўмни ташкил этадиган замонавий спорт мажмуаси фарзандларимиз камоли учун ҳизмат қилади.

Шаҳар аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларидаги сув манбаларидан тортиладиган қувурларни ётқизишга, шаҳардаги 55 километрлик ичимлик ҳамда оқва сув тармоқлари ва иншоотларини янгилашга қарийб 80 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ сарфланади ва улкан лойиҳалар ҳам 2012 йилгача шаҳар аҳолиси сифатли ичимлик суви билан тўла

учун қарийб 20 миллиард сўмдан зиёд маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган. Бугунги кунда уларнинг қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. "Ёшлар боғи"ни ташкил этиш, Бобур ва Машраб номидаги маданий масканларни реконструкция қилиш, вилоят Маданият саройини Ёшлар марказига мослаштириш кўзда тутилган. Ўз навбатида, Нодира номидаги вилоят кутубхонасини таъмирлаш, замонавий "Китобсавдо" мажмуасини ташкил этиш, китобхоналарга ривожланган мамлакатлардагидек шароит яратиш, уларнинг билимлари-

— Бош режага асосан шаҳардаги 1460 дан зиёд объектида таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга ошириш белгиланган. Бугунгача уларнинг мингдан кўпроғида таъмирлаш ишлари якунланди, қолганларида бундай ишлар давом этмоқда.

Буларнинг барчаси шаҳримиз аҳолисининг урф-одатлари, менталитетидан келиб чиққан ҳолда, иш энг замонавий лойиҳалар асосида олиб борилаёпти. Бугунгача амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби қарийб 50 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Биргина йўналишларда 200 та авто-

бус қатнови йўлга қўйилгани аҳолига сифатли ҳизмат кўрсатиш билан бирга кўчалардаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда жуда катта аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шаҳримиз марказидаги темир йўл вокзали худудида эски, кўримсиз бинолар шаҳар ҳуснига доғ бўлиб турарди. Қисқа вақт ичида бу жойлар текисланди, ўрнида барча қулайликларга эга, замонавий супермаркет қад ростлади. Бугун бу жой шаҳримиздаги энг гавжум савдо марказларидан бирига айланди. Айни пайтда унинг атрофини ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Шаҳардаги мавжуд 578 та кўп қаватли уйни таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, болалар майдончалари ва аҳолига қулайлик яратадиган бошқа қурилмаларни бунёд этиш ишлари ҳам қизгин. Бу борада вилоят ҳокимининг 2009 йил 20 сентябрдаги "Наманган шаҳридаги кўп қаватли турар жойларнинг қиёфасини тубдан яхшилаш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга мувофиқ барча кўп қаватли уйлاردан иборат маҳаллаларнинг худудлари 4 та сектор, 34 та зонага бўлиниб, ҳомийлик қилиш истаримиз билдирган 550 та корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлик субъектларига бириктирилди. Уйларни таъмирлаш, худудни ободонлаштириш ишлари қатъий режа асосида олиб борилмоқда.

— Абдуҳошим МАДАТОВ суҳбатлашди.

Диспетчер ҳам бошқаради

Ҳозирги вақтда юртимизда ҳаво йўллари хизматидан фойдаланмайдиган соҳа деярли йўқ бўлса керак. Шунингдек, бирорта учиб ҳаракати ҳам ҳаво йўллари бошқарувисиз амалга оширилмайди. Фазода бўладиган ҳар қандай ҳаракат ердан бошқарилиб, кузатиб борилади. Ҳавода ҳаракатланишда эса уни бошқарувчи сифатида диспетчернинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Учиш ва парвозни муваффақиятли бошқариш диспетчер ишининг юқори самарасига боғлиқ. Юзлаб самолётларнинг маълум манзил бўйича ҳаракатланиши, балангликка чиқиши ёки пастга тушиши диспетчер бошқарувисиз ниҳоятда хавфли. Ҳаво ҳаракатини бошқариш кўпинча бир-бирига боғлиқ тизимларни ўз ичига олади. Ҳаво кемасининг ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳаракатланиши, учиб ёки маълум манзилга муваффақиятли қўниши ҳаводаги ҳаракатни бошқарувчининг маҳоратига боғлиқ.

Ҳозирги кунда ҳавода ҳаракатни бошқариш пунктлари замонавий техника билан тўлиқ таъминланган ва унинг ҳар бир ҳаракати экран орқали кузатилади. Парвоз даврида диспетчер самолёт бошқарувчиси билан доимий алоқада бўлади, ерда туриб учувчиларга ҳавода ҳаракатланиш бўйича кўрсатмалар бериб, уларни бошқариб туради. Бундан ташқари диспетчерлик пунктида ҳаво йўллари ҳаракатини бошқариш базаси томонидан ишлаб чиқилган турли кўрсатмалар мавжуд.

Ҳавода ҳаракат даражасининг ошиши, тез ҳаракатланувчи аппаратларнинг пайдо бўлиши диспетчерлик пунктларига келаятган маълумотлар ҳажмининг кўпайиши, ҳаво ҳаракатини бошқаришнинг тезлашган тизимини ишлаб чиқиши талаб қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳаво йўлларини бошқариш тизимлари мураккаб аппаратлар билан жиҳозлангани боис ҳаракатини бошқариш бирмунча энгиллашди. Мамлакатимиз бўйлаб дунёнинг кўпгина давлатларига учиб муваффақиятли яқунлиниб, фуқаролар учун қулай шароитлар яратилган. Фуқаролар замонавий самолётларда манзилларига ўз вақтида ва бехатар етиб олмақда.

Санжар АБДУЛАЗИЗОВ,
Тошкент давлат техника
университети талабаси.



“Ўзбекистон почтаси”

очик акциядорлик жамияти жамоаси

Жаннатмонанд юртимиз фуқароларини гўзаллик,
яшарли ва нафосат байрами — Наврўз билан
самимий муборакбод этади.

Бекиёс орзу-умидлар, эзгу тилаклар айёми
бўлмиш — Наврўзи олам гўзал диёримиз
аҳлига бахт-саодат, омад ва муваффақиятлар
олиб келсин!







ҚУТЛОВ

Ипотека-Банк

Сизни яқинлашиб келаётган баҳор айёми – Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, шодлик тилаймиз.

Баҳорий кайфият Сизни ҳеч қачон тарк этмасин.




ЎЗР МБ 74-совли лицензияси

Нукус касб-ҳунар коллежи жамоаси



барча ватандошларимизни қутлуғ баҳор айёми билан самимий табриклайди. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлишини, элимиз тинч ва фаровон яшашини тилайди.

Наврўз ҳаммамизга омад, соғлиқ ва бахт олиб келсин!



O'ZSANOATQURILISHBANK

“Ўзсаноатқурилишбанк”

очиқ акциядорлик тижорат банки

барча юртдошларимизни

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий табриклайди ва

промо-акцияда

иштирок этишга таклиф қилади.



ПРОМО-АКЦИЯ!



ФАҚАТ 15 МАРТАН 15 АПРЕЛГАЧА “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ДАН УНИТИЛМАС БАҲОРИЙ СОВГАЛАРИ!


Ўзсаноатқурилишбанк VISA пластик карточкаларидан фойдаланинг ва 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўланмани ютиб олинг!

Акция шартлари:

- “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг VISA карточкалари эгалари ҳамда акция мобайнида пластик карточка очтирган барча юртдошларимиз промо-акция иштирокчилари ҳисобланишади.
- Бош мукофот - 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўланма учун ўйинда 250 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 10 та транзакцияни амалга оширган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.
- Қолган совринлар эса 200 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 5 та транзакцияни амалга оширган жисмоний шахслар ўртасида уйналади.



Шунингдек Сиз қуйидаги СОВРИНЛАР эгаси бўлишингиз мумкин!



Вақт давомида синалган ишонч!

Қўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz сайтидан ва 120-45-42 телефони орқали олишингиз мумкин



